

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5111100 – Мусиқа таълими бакалаврият таълим йўналишининг
малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат педагогика университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил «24» 08 даги 603- сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	Бет
1. 5111100 – Мусиқа таълими бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	1
1.1. Қўлланиш соҳаси	1
1.2. 5111100 – Мусиқа таълими бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари таснифи.....	1
2. 5111100 – Мусиқа таълими бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	3
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	3
2.2. 5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....	4
3. 5111100 – Мусиқа таълими бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	5
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	5
3.2. 5111100 – Мусиқа таълими бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	8

1.5111100 – Мусиқа таълими бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малака(даража)си ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5111100 – Мусиқа таълими** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши (таркиби)нинг бакалаврият таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг таснифи

1.2.1. 5111100 – Мусиқа таълими йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5111100 – Мусиқа таълими бакалаврият таълим йўналиши-умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун бакалаврият таълим йўналиши бўйича педагогик кадр жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари, маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа фанларидан, ўрта махсус касб-хунар коллежларида касбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериши;

– умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

– таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

– касб - хунар таълим муассасаларида мусиқа таълими ўқитувчиси мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

– педагогика ва мусиқа фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташиқлотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

– архивларда, ахборот-ресурс марказларида, наشريётларда, оммавий-ахборот муассасаларида, қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташиқлотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;

– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;

– ишлаб чиқариш соҳасида мусиқий касбий таълим педагогикаси, ўқитишнинг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

1.2.3. 5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- педагогик;
- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий;
- ташиқлий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш фаолияти;

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаситомонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари:

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-хунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалавр 5A111101-Мусиқа таълими ва санъат магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва мусиқа фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Бакалавр:

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида кўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади

2.2. 5111100 – Мусиқа таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари педагогик фаолиятида:

таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Маънавий-маърифий фаолиятида:

маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиклол ғоясини сингдириш;

ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

3.5111100 – Мусиқа таълими таълим бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5111100 – Мусиқа таълими таълим бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оидбир қанчамасалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқравишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллариининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

ўқув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

ўқитишнинг илмийлиги ва кўرғазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда ўқитишни индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималлаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

ўқитишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида, ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантиқий кетма-кетликда қўллаш қобилиятини таркиб топтириши;

интернет воситасида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, веб-квестларни яратиш ҳамда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш малакасини шакллантириши;

математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги ҳақида;

талабаларга бакалавриат таълим йўналишининг назарий ва амалий масалаларини еча олишга етарли бўлган математик аппаратни эгаллаши ва уни қўллашни шакллантириш;

тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, зарарли одатлар, гиёҳвандликни олдини олиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг тиббий – гигиеник асослари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

тарбия жараёнида болалар ва ўсмирлар соғлигини ҳимоя қилиш, ўрта махсус ва касб-хунар колледжлар шарт - шароитлари, жиҳозланиши ва ўқув юклаганин организмга таъсирини ўрганиш;

бакалаврларни экология ва табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги асосий тушунчалар, экологик муаммолар, бу муоммоларни ўз вақтида ижобий ҳал қилиш учун экологик маълумотга эга бўлишлари;

табиат қонунларидан хабардор бўлишлари, табиат билан жамият ўртасидаги узвий боғлиқликнинг туб моҳиятларини англаб етишлари.

Умумкасбий фанлар блоки:

Муסיқий фанлар билан ихтисослик фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

таълим олувчиларнинг умумкасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши;

умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши ҳамда муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

касбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

замонавий таълим ва инновацион тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, касбий ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши;

бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

моделли тасаввурларни тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, ҳиссий ҳолатлар, индивидуал-хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда бўлажак педагог мутахассислар тамонидан психик тараққиёт қонуниятлари, даврлари, механизмлари, омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги замонавий илмий билимнинг ўзгартрилишини ташкил этиш;

психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, психик ривожланиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш;

бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогик фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимлар билан қуроллантириш, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиш;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш;

ўқув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўқув-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонуният ва тамойиллари билан таништириш;

миллий ва жаҳон педагогик фикрлари тараққиёти билан таништириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

глобал доирада таълим тизими ривожланишининг ҳолати, асосий йўналишлари ва қонуниятларини таҳлил этиш, миллий ва ҳудудий ўзига хосликлардаги умумий кўринишларни очиб бериш, халқаро педагогик тажрибанинг ижобий ва салбий жиҳатлари, миллий педагогик маданиятни бойитиш шакл ва методларини аниқлаштириш;

талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли кўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштиришларига эришиш лозим.

Кўшимча фанлар блоки

талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошлиқни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

жамиятни педагогизациялаш шароитида педагогик профилактикани ташкил этиш ва амалга ошириш малакасини таркиб топтириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5111100 – Муסיқа таълими таълим бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарийтаълим - 63 - 70%;
- аттестация - 8 - 10 %;
- таътил -12 - 16 %;
- малакаамалиёти - 6 - 12 %;
- битирувмалакавийиши - 2-3%.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар 23 - 25 %;
- математик ва табиий-илмий фанлар 8 - 25%;
- умумкасбий фанлар 33 - 50 %;
- ихтисослик фанлар 9 - 10 %;
- қўшимча фанлар 5 - 7 %.

Таълим йўналишининг «Умумкасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибидаги фанларга мос бўлган «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» ва «Математика ва табиий-илмий фанлар» блоки фанлари учун ажратилган ўқув юклама ҳажми мазкур таълим йўналиши ўқув режасининг «Умумкасбий фанлар» ёки «Ихтисослик фанлар» блоки таркибига ўтказилиши мумкин. Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

5111100 – Мусиқа таълими йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т/р	Фанлар блоклари ва интеграллаштирилган курслар	Умумий юкламанинг ҳажми соатларда
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1102
2.00.	Математик ва табиий-илмий фанлар	948
2.01	Математика	118
2.02	Таълимда ахборот технологиялари	456
2.03	Ёш физиологияси ва гигиена	68
2.04	Экология ва табиатни муҳофаза қилиш	68
	<i>Танлов фанлари</i>	238
3.00	Умумқасбий фанлар	3674
3.01	Умумий психология	260
3.02	Умумий педагогика	290
3.03	Мусиқа ўқиш методикаси ва мактаб репертуари	390
3.04	Мусиқа ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш	232
3.05	Мусиқа назарияси (сольфеджио, гармония, мусиқий асарлар таҳлили)	640
3.06	Мусиқа тарихи	206
3.07	Вокал ва замонавий мусиқа	342
3.08	Хор ва хоршунослик	248
3.09	Дирижёрлик	194
3.10	Ўзбек халқ мусиқа ижоди	344
3.11	Анъанавий хонандалик	386
	<i>Танлов фанлар</i>	142
4.00	Ихтисослик фанлари	1104
4.01	Чолғу ижрочилиги ва ансамбли	544
4.02	Ноталаштириш ва компютер дастурларида ишлаш	198
	<i>Танлов фанлари</i>	362
5.00	Кўшимча фанлар**	516
	ЖАМИ	7344
	Малака амалиёти	756
	Битирув малакавий иши	270
	Аттестациялар	918
	ЖАМИ	1944
	ҲАММАСИ	9288

Библиографик маълумотлар

УДК:002: 651. 1/7
55

Гуруҳ Т

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини
ривожлантириш маркази



Директор

Б.Рахимов

2017 йил « 14 » 08

М.Ў.

Тошкент давлат педагогика университети

Ректор

Ш.Шарипов

2017 йил « 14 » 08



М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш
Бош бошқармаси бошлиғи



М.Ў.

О.Исмоилов

2017 йил « 15 » 08

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ЎМКХТМ директори ўринбосари

Ф.Ризаев

2017 йил « 15 » 08



М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги

Республика таълим маркази директори

И.Зокиров

2017 йил « 14 » 08



М.Ў.

**Тошкент давлат педагогика университети 110000-Педагогика таълим соҳаси
бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура
мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб
чиқувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида
КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш.

« 12 » 08 2017 й.

Биз қуйидаги имзо қўювчилар – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.М.Рустамов, Республика таълим маркази директори И.Зокиров ва ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори Д.У.Эргашевлар олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш маркази, халқ таълими вазирлиги ходимлари ҳамда ТДПУнинг профессор-ўқитувчилари биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқилганлиги, муҳокама қилинганлиги ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларининг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан қўйилган талаблар инobatга олинди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази директори

ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор




Р.М.Рустамов

И.И.Зокиров

Д.У.Эргашев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент давлат педагогика университетидида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг турдош Олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“12” 08 2017 й.

Катнашдилар: Қ.Ядгаров - ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Н.Жўраев - ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Н.Р.Баракаев – ГулистонДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Бойтиллаев – НаманганДУ ўқув ишлари бўйича проректори, М.М.Ибрагимов – ҚҚДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Давлетов – Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Тургунбаев – Умумий математика кафедраси мудири в.б., С.Турсунов – Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Б.Нуриллаев - Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири в.б., Н.Бозоров - Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Г.Шахмурова - Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Г.Турсунбоева - Ботаника кафедраси мудири, Н.Алимқулов - География ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Д.Маматқулов - Зоология ва анатомия кафедраси мудири, Н.Сафаев – Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири, Н.Комилова – Психология кафедраси мудири, Н.Юнусова – Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири, Д.Нуркелдиева – Махсус таълим методикаси кафедраси мудири, З.Ахмедова – Коррекцион педагогика кафедраси мудири в.б., З.Абдужаббарова – Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири, М.Мирзаахмедов – Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири, М.Махмудова - Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Ю.Матенова - Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, З.Илхомов - Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Н.Жамолов - Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири, К.Туленова – Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири в.б., Г.Аноркулова – Касб таълими методикаси кафедраси мудири, Р.Муллахмедов – Мехнат таълими ва дизайн кафедраси мудири, Н.Ташимов – Мухандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Р.Халилов – Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Л.Набиуллина – Ахборот технологиялари кафедраси мудири, А.Холиков – Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири в.б., У.Раджабов – Жисмоний маданият кафедраси мудири в.б., Қ.Панжиев – мусика таълими кафедраси мудири ва таклиф этилганлар.

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Хайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган “Олий

таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларининг муҳокамаси:

Сўзга чикди: Д.Эргашев – маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини яратиш зарурияти туғилди. ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва профессор-ўқитувчилари томонидан, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ишлаб чиқилган. Янги яратилган малака талаблари ҳамда ўқув режаларини ушбу йиғилишда муҳокама қилишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўқув-услугий бўлими томонидан барча кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда директив ҳужжатлар асосида 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини лойиҳалари қайта ишлаб чиқилди.

110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан яратилди:

- | | |
|-----------------|---|
| Ш.С.Шарипов | - Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси; |
| Д.У.Эргашев | - Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| Д.Давлетов | - Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Р.Тургунбаев | - Умумий математика кафедраси мудири в.б.; |
| С.Турсунов | - Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Б.Нуриллаев | - Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири в.б.; |
| Н.Бозоров | - Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Шахмурова | - Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Турсунбоева | - Ботаника кафедраси мудири; |
| Н.Алимкулов | - География ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Маматкулов | - Зоология ва анатомия кафедраси мудири; |
| Н.Сафаев | - Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири; |
| Н.Комилова | - Психология кафедраси мудири; |
| Н.Юнусова | - Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Нуркелдиева | - Махсус таълим методикаси кафедраси мудири; |
| З.Ахмедова | - Коррекцион педагогика кафедраси мудири в.б.; |
| З.Абдужаббарова | - Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| М.Мирзаахмедов | - Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири; |
| М.Махмудова | - Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| Ю.Матенова | - Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| З.Илхомов | - Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Н.Жамолов | - Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири; |
| К.Туленова | - Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири в.б.; |
| Г.Аноркулова | - Касб таълими методикаси кафедраси мудири; |
| Р.Муллахмедов | - Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири; |

- Н.Ташимов - Мухандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б;
 Р.Халилов - Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
 Л.Набиуллина - Ахборот технологиялари кафедраси мудири;
 А.Холиков - Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири в.б.;
 У.Раджабов - Жисмоний маданият кафедраси мудири;
 Қ.Панжиев - Мусика таълими кафедраси мудири;

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари: “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларидан экспертизадан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда турдош ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунара таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.



Мазкур раис

Котиб

Ш.С.Шарипов

А.А.Хўжаев

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши бўйича
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Педагогика таълим соҳалари бўйича
ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 5 -сонли

БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Тошкент ш.

“ 15 ” 08 2017 й.

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси – Ш.С.Шарипов**
Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев
Аъзолари: - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари,
таклиф этилганлар 16 нафар.

КУН ТАРТИБИ:

